

ТУРКИСТОНДА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ МУСТАМЛАКАСИ ДАВРИДА АРХЕОЛОГИЯ ФАНИ

Дехқонов Анвар Валижонович

Наманган мұхандислик-қурилиш институты үқитувчиси

E-mail: quyosh0817@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Туркистанда Россия империяси мустамлакаси даврида археология фанининг ривожланиши, археологик тадқиқотлар, маҳаллий археология ихлосмандлари ва маҳаллий коллекционерлар фаолияти, юртимиз тарихига оид нодир ашёлар тақдирини, Россиялик археологлар фаолияти, Туркистан археология ҳаваскорлари тўгарагининг ташкил топиши ва фаолияти, ўлкамизда олиб борилган археологик тадқиқотлар ва уларнинг аҳамияти, Россия империяси амалдорларининг “орийлик назарияси”ни илгари суриш орқали мустамлакачилик сиёсатини оқлаш ва мустаҳкамлашга уринишига оид таҳлилий фикрлар, хулосалар ўрин олган.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, Туркистан, Туркистан генерал-губернаторлиги, Россия империяси, археология, археологик тадқиқот, археологик ашё, нодир ашёлар, коллекционер, Туркистан археология ҳаваскорлари тўгараги, “орийлик назарияси”, осори-атиқалар.

КИРИШ

Ватанимиз тарихини ўрганишда бошқа тарихий фанлар қаторида археологиянинг ҳам ўрни жуда салмоқлидир. Россия империяси босқинигача бўлган даврда Марказий Осиёда археология фани билан шуғуллаган тадқиқотчилар ҳакида маълумотлар топилмаган. Боиси барча турдаги тарихий асарлар ўзидан олдин яртилган асарлардан шакл олган ва янги маълумотлар билан тўлдирилган ҳолда яратилган. Археологик тадқиқотлар олиб бориш орқали аниқланган тарихий далил асосида асар ёзиш маҳаллий тарихчиларимиз учун нотаниш соҳа бўлган.

Лекин, Марказий Осиё Россия империяси ҳудудига қўшиб олингач, ўлкамизда бошқа фанлар қатори кўплаб тарихий фанлар ҳам жадаллик билан ривожланди. Барча ижтимоий фанлар қатори тарих фани ҳам сиёсий мақсадларга хизмат қилиши мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мазкур мақолада XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Чор ҳукуматини мустамлака остидаги Туркистан ўлкасида тарихий фанлар, хусусан

археологияни жадаллик билан ривожлантиришига мажбур қилган бир қатор сабаблар ва мақсадларга тўхталиб ўтамиз.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ:

Туркистонда Россия империяси мустамлакаси даврида археология фанининг ривожланиши мавзусида ҳамда археологик тадқиқотлар ҳақида қўплаб адабиётлар мавжуд. Жумладан, тарих фанлари доктори, профессор Д. А. Алимова раҳбарлигида нашр этилган “Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари (1865-1990 йиллар)” номли китобида хорижлик, рус ва маҳаллий коллекционерларнинг юртимиз тарихига оид қўплаб нодир ашёларни талонтарож қилиш орқали чет эл музейларига бориб қолиши ёки йўқолиб кетиши ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Тадқиқотчи С. Боймирзаевнинг мақоласида Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланаётган илк археологик коллекциялар тарихига оид маълумотлар баён қилинган. Тарихчи Б. В Лунин томонидан яратилган “Туркистонда рус шарқшунослиги ва археологияси тарихидан. Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги (1895-1917 йиллар) китобида тўгарак ва унинг аъзолари фаолиятига оид аҳамиятли маълумотлар баён қилинган. Тадқиқотчи А.Мамажоновнинг “Маҳаллий ўлкашунослар ва рус олимлари ҳамкорлигида Туркистон археология ҳаваскорлар тўгараги фаолияти” номли мақоласида маҳаллий археология ҳаваскорлари ҳақида маълумотлар олиш мумкин.

Мазкур мавзудаги тадқиқотлар методологияси Туркистонда археология фанининг Россия мустамлакаси даврида ривожланиш босқичлари, тарихи ва ғоявий асослари, археологияни ривожлантиришдан кўзланган мақсадлар, бу ишда фойдаланилган воситалар, хизмат қилган шахслар, ҳукумат ислоҳотлари ва натижалари, олиб борилган археологик тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда илмий хулосаларга эга бўлишдан иборат.

НАТИЖАЛАР

Мавзу юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида Россия империяси томонидан Туркистонда тарихий фанлар, хусусан археологияни жадаллик билан ривожлантиришдан кўзланган мақсадлари юзасидан бир қатор хулосаларга келишимиз мумкин.

Биринчидан, мустамлакачилар ўлкада олиб бораётган босқинчилик сиёсатини мантиқан оқлаш учун минтақа тарихини жадаллик билан ўргана бошладилар. Яъни, капиталистик дунё иқтисодиётига қўшилиш учун чиранётган давлат сифатида дунё бозорида Америка, Англия, Германия, Франция каби давлатлар билан рақобат қилишга уринаётган Россия учун “босқинчилик натижасида қўлга киритилган хомашёдан ишлаб чиқилган” деган нуқсонли

маҳсулотларни халқаро бозорда сотиш жиддий муаммо тўғдириши мумкин эди. Шунинг учун, “Оқ пошшо” хукумати зиммасида Марказий Осиёда империя қўшинининг бўлиб туришининг тарихий сабабларини зудлик билан топиш вазифаси турган эди.

Иккинчидан, Ғарб жамиятлари сингари маданий жиҳатдан юксак ривожланган жамият сифатида ўзини намоён этишга уринаётган рус асилзодалари жамияти онгига зобитлар ва аскарларни ватан ҳимоясидан бошқа жангларда хизмат қилиши ёки ҳалок бўлишини қораловчилар етарлича топилар эди. Ана шундай юксак маданий қатлам учун Марказий Осиёга юришнинг тарихий-сиёсий зарурат эканлигини тушунтирувчи маданий-тарихий асослар топиш ёки яратиш лозим эди.

Учинчидан, зобитлар ва аскарларни империя марказидан минглаб километр узоқда, оғир шароитларда хизмат қилиши ва жангга киришини таъминлаш учун кучли ғояга асосланган мафкура керак эди.

Тўртинчидан, маҳаллий аҳоли, айниқса зиёлилар, олий руҳонийлар олдида босқинчилик ҳаракатларини тарихий ва сиёсий зарурат сифатида гавдалантиришга эришиш орқали “оқ пошшо” сиёсатини келгусида аҳоли тўскинлигисиз, ҳалқ қўзгалонларисиз олиб бориш учун ғоявий замин яратиш қўзда тутилган эди.

Бешинчидан, минтақа бўйлаб олиб бориладиган ҳар қандай тарихий тадқиқотлар асосида “ilm-fanни ривожлантириш ҳамда тарихий ҳақиқатларни аниқлаштириш” турганлигига маҳаллий аҳолини ҳеч қандай шубҳаси бўлмаслиги ҳамда бу тадқиқотларда аҳолининг ўзи ҳам ёрдам беришига эришиш ҳисобга олинган эди.

Олтинчидан, минтақада Чор хукумати сиёсатини олиб бориш ва мустаҳкамлаш ва бу ерда руслаштириш сиёсатини амалга ошириш учун рус диаспорасини яратиш лозим эди. Бунинг учун эса, империя марказидаги шаҳарларда ер усти ва ор остида олтинлари сочилиб ётган ўлка ҳақидаги шовшувли хабарларни имкон қадар тезроқ тарқатиш, минтақага рус аҳолисининг қизиқишини кучайтириш зарур эди.

Еттинчидан, жаҳон бозорида ҳаридоргир бўлган нодир ашёларни мўмай нархга пуллаш орқали ҳарбий истеҳкомлар қуриш ҳамда қўшиннинг таъминотини амалга ошириш учун қўшимча маблағ топишнинг осон йўли сифатида ҳам қаралган.

Саккизинчидан, Ғарбий Европадаги мустамлакачи мамлакатлар элита қатлами орасида қадимги нодир осори-атиқаларни коллекция сифатида тўплаш – бойлик, ана шундай қадимги ашёларни шахсий саёҳати давомида қўлга киритиш – жасурлик белгиси сифатида жамиятда обрў келтирган. Империя

ҳарбий амалдорлари ҳам европалик асилзодалар сингари бойлик ва шухрат орттиришга муккасидан кетган эдилар.

Шу мақсадларига эришиш йўлида ҳам асосий қилинадиган иш ўлка тарихини ўрганиш ниқобида бу муқаддас заминнинг бағрини тилка-пора қилиш, ахолисини алдаш учун ҳам тарихий фанларни, жумладан археология, этнография, нумизматика ва эпиграфикани жадал ривожланишини турли йўллар билан мунтазам қўллаб-қувватлаб турдилар.

Юқорида айтиб ўтилган сабаб ва мақсадларга эришиш учун империя сиёsatчилари Европанинг бошқа мустамлакачи давлатлари сингари “Орийлик назарияси”ни илгари сура бошладилар.[1] Бу назария “олий ирқ” тушунчасига асосланган бўлиб, орий халқлари европаликлар аждоди ўлароқ олий ирқقا мансуб бўлганликлари ҳақидаги назариядир, ўша даврда жаҳоннинг энг нуфузли олимлари мазкур назарияни илмий асослаш билан шуғулланганлар. Мазкур назария бугунги кунга келиб ўз аҳамиятини йўқотган бўлсада, XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида бош ғоя ва умумий мафкура сифатида Чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёsatини Марказий Осиёда мустаҳкам асосга эга бўлишини таъминлади.

МУХОКАМА

Шундай қилиб, Марказий Осиёда Туркистон генерал-губернаторлиги раҳнамолигида ўлка тарихини ўрганиш бошланди. Бу ишга ўз даврининг таниқли тадқиқотчилари жалб қилинди. Бу тадқиқотчилар Туркистон бўйлаб қадимий тангалар, китоблар, қўлёзмалар, турли буюмлар, қурол-аслаҳалар, тақинчоқлар, қимматбаҳо кийимлар ва бошқа нарсаларни тўплай бошладилар.

Марказий Осиё мустамлака қилингач, нисбатан кам ўрганилган минтақа сифатида ҳам бу ҳудудга бой коллекционерларнинг эътибори қаратилган эди. Ўлкага ҳарбий хизмат учун юборилган юқори мартабали зобитлар, ҳатто генерал-губернатордан тортиб, оддий аскаргacha бу ерда ғарбдаги бой коллекционерлар тўпламлари сафини тўлдиришга муносиб ҳамда ўзига ҳам шухрат олиб келадиган қадимги ашёларни йиғиш ва ғарбга пуллаш билан шуғулланишган. Жумладан, Чор амалдорлари, зобитлари ва савдогарлари орасида бойлик орттириш мақсадида осори атиқаларни қидиришга бўлган носоғлом қизиқиши Чор маъмуриятининг ҳеч қандай расмий фармойишлари билан чегаралаб бўлмасди. А. Л. Кун ўзининг генерал Абрамовга ёзган хатларидан бирида подполковник В. Р. Серов устидан шикоят қилган. У Бухордан қадимги тилла тангаларни сотиб олиб, уларни анча юқори баҳода пулламоқчи бўлган эди. Бироқ Абрамов амалдорларнинг хусусий мол-мулки даҳлсиз эканлигини баҳона қилиб, бу ишга аралашибни узил-кёсил рад этди.

Чунки, Абрамовнинг ўзи ҳам бундай қусурдан холи эмасди, шу сабабли, бу масалаларда холис бўлиши гумон эди.[2. 328]

Шу каби носоғлом муносабат натижада, диёримиз тарихига оид жуда кўплаб нодир буюмлар, осори-атиқалар, қўлёзмалар, археологик топилмалар хусусий шахслар коллекцияларига ёки хорижий давлатлар музейлари фондига бориб қола бошлади. Ушбу ҳолатдан хавотирланган император Туркистон ўлкасида тарихий тадқиқотларни тартибга солиш чораларини излай бошлади.

Бу йўналишда қилинган дастлабки иш 1876 йилда Тошкентнинг янги шаҳар қисмида Туркистон ўлкасидаги биринчи мусулмон музейини ташкил этилиши бўлди. Музейга хусусий шахслар, рус амалдорлари қўлида тўпланган тарихий ашёлар шунингдек, баъзи муассасаларда, жумладан, Табиатшунослик, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамияти Туркистон бўлимида сақланаётган ашёлар жамланди ва кейинги топилмалар ҳам шу ерда йиғила бошлади. Музейнинг археология фондига қисман ёки тўлиқ келиб тушган энг йирик археологик тўпламлар асосан XIX асрнинг 70-90 йилларида шакллантирилган.[3]

Лекин, музей ташкил этишнинг ўзи хорижга ташиб кетилаётган ёки изсиз йўқолаётган ҳамда тартибсиз ўзлаштирилаётган нодир ашёлар қаторини деярли камайтиrmади. Бу ҳол Ўрта Осиё бадиий ва осори-атиқа буюмларини жаҳон осори-атиқалар бозори учун харид қиласиган эскифурушларнинг пайдо бўлишида ўз ифодасини топади. Мазкур бозор ўғирланган қадимги меъморчилик обидалари қопламлари ва қадимги буюмлар ҳисобига тобора кенгайиб борарди. Аҳмонийлар давридаги олтин ва кумуш буюмлардан иборат машҳур Амударё хазинасининг Британия музейига бориб қолганлиги фикримизнинг ёрқин исботидир.[2. 346]

Ўлкадаги ҳамда марказдаги музейлар маҳаллий коллекционерлардан олинган ашёлар билан ҳам анча бойитилди.

Хусусан, тошкентлик савдогар Акрам Асқаров ўша даврларда ўзининг қадимий коллекцияси билан шуҳрат қозонган. Н.И.Веселовскийнинг А.Асқаров тавсияномасига кўра 1887 йилда “Рус Археология жамияти” Акрам Асқаровни “Археология ривожига қўшган ҳиссаси учун” кичик кумуш медали билан мукофотлаган.[4. 41] Ўша давр матбуотининг берган хабарига кўра, у “ўз даврида туркистонликлардан чиқсан машҳур, нодир археологик буюмлар йиғувчи ва Париждаги илмий археология жамиятининг азоси эди”. “Туркестанские ведомости” газетасининг 1892 йил 31-сонида босилган профессор Уварицкийнинг” Акрам Асқаровнинг археологияга оид ашёлар тўплами” номли мақоласида берилган маълумотларга кўра, унда 17 дона олтин пул, 1370 дона кумуш пул, 13274 дона мис пул, неолит даврига оид тош болға,

жез кетмөнлар (мотига), турли жойлардан тўпланган сополдан ясалган одам ҳайкаллари, тумор, мис, сопол идиш ва шунга, ўхшаш тарихий буюмлар бўлган.[5]

А.Асқаров Н.И.Веселовский раҳбарлигига Туркистонда ўтказилган археологик тадқиқотларда қатнашган. Афросиёб ва унинг атрофидаги ёдгорликлар, Бухоро, Сирдарё, Фарғона вилоятларидағи тарихий обидаларни ўрганишда иштирок этган. У топилган тангалар ва метал ашёларни қайси даврга ва қандай металдан ишланганини аниқлаш бўйича катта тажрибага эга бўлган. [6. 97]

Шунингдек, Н. С. Лыкошин А. Асқаровга “мусулмон адабиётини таҳлил қилишда шу соҳанинг мутахассисларидан қолишмас эди. У бошқа ватандошларидан фарқ қилмайдиган даражада оддий ҳаёт кечирди”, дея таъриф берган.[6. 97]

Рус тадқиқотчиларининг назарида А. Асқаров жуда бой инсон бўлган. Шунинг учун Н. С. Лыкошин унинг шунча бойлиги бўлса ҳам бошқалар каби оддий ҳаёт кечирганига эътибор қаратган.

А. Асқаров 1891 йил 15 октябрда оғир хасталиқдан вафот этади. Уни ўша вақтда Тошкентнинг Бешёғоч қисмида Ракат маҳалласидаги қабристонга дафн этишган. Унинг вафотидан сўнг, коллекциянинг катта қисми Эрмитажга юборилади. Бир қисми йўқолади.

Яна бир коллекционер, ҳаваскор археолог ватандошимиз Мирза Абдулла Бухорий номи билан машхур бўлган. У катта савдогар, бир нечта пахта тозалаш, ипакчилик ва тўқимачилик корхоналари соҳиби бўлган. Мирза Бухорий жуда ғайратли, янгиликларга қизиқувчан, билимли ва ўз даврининг илғор вакилларидан бири бўлгани учун рус тадқиқотчи олимлари ҳам уни хурмат қилишган.

Мирза Бухорий 1887 йил октябрь-декабрь ойларида Веселовский ҳамроҳлигига Москва ва Петербург шаҳарларида бўлади. У 1887 йил 1 декабрь куни Россия Археология жамиятининг Шарқ мамлакатлари бўлими аъзоларининг йиғилишида меҳмон сифатида иштирок этади. Йиғилишда В. Д. Смирнов, А. Ф. Бычков, В. А. Жуковский, К. Г. Залеман, О. Э. Лемм, А. К. Марков, В. В. Радлов, И. И. Толстой каби ўз даврининг таниқли олимлари билан кўришади.[6. 120]

Бухорий Россия шаҳарларидан жуда катта таассурот билан қайтади ва шу тассуротлар таъсирида ёки Веселовский таъсирида 1888 йил бошида ўз коллекциясидан 43 та қимматбаҳо буюни император девонхонасига совға қиласи. [6. 120] Бухорийнинг узоқ йиллар ўзи тўплаган коллекциясида ўша даврда турли тангалардан ташқари 5700 тадан ортиқ буюм бўлганлиги қайд

этилган. Н. И. Веселовский ўша буюмлардан 1202 тасини сотиб олган. Уларнинг аксарияти танга ва муҳрлардан иборат эди. Тангаларнинг 10 таси грек-бақтрия тангалари, еттитаси Афросиёбдан топилган бўлган. Бироқ Н. И. Веселовский императорнинг маъмурий маҳкамасига фақат совға қилинган 43 та буюмни топширган.

Мирза Бухорий тасарруфидаги ушбу бой коллекция ҳақидаги мақолалар Петербургдаги археология ҳайъати эътиборини тортади. 1888 йил 3 июнда генерал-губернатор номига юборилган Ҳайъат хатида Бухорийни унинг тўпламидан намуналарни ўрганиш учун олиб туришга кўндириш сўралади. Шундан сўнг, Бухорий розилиги билан 6300 та турли тангалар ва бошқа буюмлардан иборат қадимий ашёлар тўплами Петербургга юборилади. Эътиборлиси шундаки, Ҳайъат текширувидан сўнг Мирза Бухорий ушбу ашёларни ҳеч қандай тўловсиз империя ғазнасига топшириб юборади. [6.121]

Шу ўринда мустамлакачиларнинг ўлка бойликларини айёrona талаш усууларидан бири ҳақида гап кетаётганини тушуниш қийин эмас. Яъни, Мирза Бухорий узоқ йиллар тўплаган ўз коллекциясини империя ғазнаси ва амалдорларига сабабсиз бериб юборган бўлиши ҳақиқатга мос тушиши жуда қийин масаладир. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Мирза Бухорий, Акрам Асқаров ва уларга ўхшаган колекционерларга “оқ пошшо” номидан турли мукофот ва совгалар бериб, уларнинг қўлидаги нодир ашёларни арzon гаровга ёки инъом сифатида олишга уринишган. Афуски, аксарият ҳолларда ўз мақсадларига қийинчиликсиз эришишган.

1893 йилда Бухорий вабодан вафот этади. Ундан қолган буюмларнинг тақдири ҳозиргача номаълум.[2. 350]

Яна шунга эътибор бериш керакки, Акрам Асқаровнинг ҳам Мирза Бухорийнинг ўлимидан кейин уларнинг колекциясида қолган ашёлар тақдири манбааларда ёритилмаган. Уларнинг фарзандлари, оила аъзолари ёки бирор яқинлари бу қадимий ашёларни кимгадир топширгани, сотгани ҳақида маълумот ҳозирча учрамади. Бундан чиқди, катта эҳтимол билан бу ашёлар ҳам Чор империясининг очкўз амалдорлари томонидан ноқонуний йўқ қилиб юборилган бўлиши мумкин.

Йўқолаётган ашёлар сони камаймаётгани учун хукumat кейинги чораларни кўришга ўтди.

1880 йилларда Тошкентда Чор амалдорлари, ҳарбийлар, ўқитувчилар, врачлардан иборат тадқиқотчилар гуруҳи шаклланиб улгурган ва улар томонидан Туркистон тарихига оид уюшган ёки алоҳида-алоҳида илмий тадқиқотлар олиб борилаётган эди. Улар орасида Тошкент эркаклар гимназияси директори Н. П. Остроумов ҳам бор эди. У Петербургдаги Археология

комиссияси ҳамда Москвадаги археология жамияти билан расмий алоқа қилган ҳолда тадқиқотлар олиб бораётган эди. [4. 43]

Тошкентда 1893 йил 11 декабрь куни антропология, этнография, табиатшунослик масалалариға оид ўтказилган йиғилишда Н.П.Остроумов чиқиши қилиб, келгусидаги археологик тадқиқотларни қўпайтиришни талаб қилиб қуидагиларни таъкидлаб ўтади: “Бизнинг ўлкада археологик ёдгорликлар кўп. Уларни ўрганиб чиқиш зарурдир”.[5]

Шунингдек, 1893-1894 йилларда Туркистонда ўзининг дастлабки археологик сафарини олиб бораётган В.В.Бартольд йиғилиш иштирокчиларини ўзининг археологик изланишларидағи дастлабки натижалари билан таништирган.[6] Остроумов ва Бартольдинг чиқишилари йиғилиш иштирокчилари томонидан яхши кутиб олинган.

Йиғилиш давомида Тошкентда археология ҳаваскорлари тўгарагини ташкил этишга қарор қилиниб, тез орада тўгаракни ташкил этиш лойиҳаси ишлаб чиқилади ва уни тасдиқлаш ишлари бошланади. Бу борада Туркистонда фаолият юритган олимлар, маориф соҳаси вакиллари ва ўлка бошқаруви органлари ходимларининг Санкт-Петербургдаги олимлар билан ҳамкорликда олиб борилган ташкилий ишлари тўгарак фаолиятини йўлга қўйишга имкон яратди. Натижада Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги император Николай II нинг 1895 йил 19 октябрдаги фармонига биноан ташкил этилган ва Маориф вазири томонидан 1895 йил 31 октябрида тўгарак Низоми тасдиқланган.[7]

Тўгарак низоми 21 банддан иборат бўлиб, унга кўра тўгарак фаолияти қуидагилардан ташкил топган:

- Туркистон ўлкаси худудида жойлашган қадимий обидаларни ўрганиш;
- уларнинг тавсифини ва ўлка археологик харитасида қайд этилишини амалга ошириш;
- археологик обидаларни қўриқлаш;
- археологик қазув ишларини амалга ошириш;
- маҳаллий археологик материалларни нашр учун қайта ишлаш. [6]

Шундай қилиб, 1895 йил 11 декабрь куни Туркистон археология ҳаваскорлари тўгарагининг очилишига бағишлиб йиғилиш ташкил этилди. Унда генерал-губернатор барон А. Б. Вревский тўгаракнинг фахрий раҳбари сифатида нутқ сўзлаган. Бу нутқнинг аҳамияти шундаки, унда тўгарак қандай мақсадда ташкил этилганлиги аниқ ифодаланган: «Бу ерда, олдида муҳим илмий вазифа турган Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги фаолиятини очиб бериш менга насиб қилганидан жуда хурсандман, дея сўз бошлайди барон, - Шу пайтгача тарих, Туркистон ўлкасининг қадимий аҳолиси хақида жуда қўп

маълумотга эга, ва тўгарагимизнинг вазифаси — Ўрта Осиё тарихининг қадимги даврини ёритиш учун имкон қадар кўпроқ материал тўплаш. Одатда Ўрта Осиё — ҳозирги Афғонистон, Балх, Марв ва бошқа қўшни жойларни назарда тутяпман — орий ирқи беланчаги бўлган, деб ҳисобланади.

Маданияти ўз даври учун энг юқори савияли, деб ҳисобланадиган қадимги орийлар эмин-эркин ҳаёт учун янги ерлар топиш мақсадида кўчишга мажбур бўлган эди. Кейинчалик бу ерлардан Узоқ Шарқ халқарининг ёввойи қўшилари ўтиб, орий маданияти изларини ўчириб ташлади, аждодларимиз эса Европада тарқалди. Ҳозирги пайтда тақдир бизнинг — орийларнинг бир пайтлар аждодларимиз чиққан ерларга олиб келди. Шу боис, зиммамизда қайта тиклашга ҳаракат қилаётганимиз – орий маданияти бир пайтлар гуллаб-яшнаган ерлардаги тарихий ёдгорликларни тўплаш ва саклаб қолишдай муқаддас мажбурият бор».[6]

Россия империясининг барон А. Б. Вревский тарафидан илгари сурилган геосиёсий мақсад ва вазифаларини империя олимлари Туркистон халқлари тарихида «орий изи»ни қидиришга қаратилган ажабтовур усулига айлантириб, «Орийлик назарияси»ни ўлканинг мустамлакага айлантиришига илмий асос сифатида қўллади. [8]

Бу чоралардан кўриниб турибдики, империя хукумати томонидан бўйсундирилган аҳоли орасида ҳамда рус жамияти ва аскарлари орасида “орийлик назарияси”ни тарғиб қилиш орқали онг манипуляцияси амалга оширилган. Ўлкада тарихий фанларнинг ривожлантириш, турли илмий жамиятларни ташкил этиш ишлари онг манипуляциясини амалга ошириш учун хизмат қилган.

Алдов, сотиб олиш йўллари билан одамлар онгида мустамлакачилик сиёсати борасида янгилиш тасаввур ҳосил қилинар эди. Нозик ва айёр онг манипуляцияси усуллари ёрдамида янги хўжайинлар бўлиниб кетган қавмларни бутунлай тобе этиш режаларини тузар эди. Мустамлакачилик сиёсатининг тубмоҳияти мана шундан иборат.[8]

Шундай қилиб, ўлкада иш бошлаган Туркистон ўлкашунослаарининг илмий-жамоатчилик ташкилоти бўлмиш Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги ўлкадаги қадимий ёдгорликлар, шарқ қўлёзмалари, нумизматика ва этнографияга оид материалларни, қадимий шаҳар харобаларини, Туркистон ўлкасининг тарихи ва маъмурий тузуми бўйича ўрта аср шарқ қўлёзма манбалари, халқ афсоналари, мақоллари, маталлари, урф-одат, фольклорга оид материалларни ўганиш ва тўплашни бошлайди. Шу билан бирга тўгарак аъзолари халқимизнинг нодир қўлёзма ва маданият бойликларини Россияга жўнатишга ҳам “катта ҳисса” қўшдилар.

Таъкидлаш керакки, тўгарак аъзоларининг асарлари илм-фандада сезиларли из қолдириди. Археология, эпиграфика ва бошқа йўналишлардаги муҳим илмий топилмалар ва кашфиётлар Бутун Россия миқёсида бахс-мунозаларга сабаб бўлди ва ўша даврдаги кўзга кўринган шарқшуносларни (М. О. Аттая, В. В. Бартольд, Н. И. Веселовский, В. А. Жуковский, К. Г. Залеман, К. А. Иностранцев, П. К. Коковцев, Н. Ф. Катанов, И. Ю. Крачковский, П. М. Мелиоранский, С. Ф. Ольденбург, В. Г. Тизенгаузен, В. В. Радлов, В. Р. Розен ва бошқалар.) тўгарак ишига қизиқишини орттириди.[4. 41]

Тўгаракнинг таъсисчи аъзолари сифатида К. В. Аристов, В. В. Бартольд, С. М. Граменицкий, Н. Л. Зеланд, Ф. М. Керенский, Н. С. Ликошин, В. П. Наливкин, Д. В. Назаров, В. Ф. Ошанин, Н. П. Остроумов, В. О. Преображенский ва бошқалар қайд этилган.

Тўгарак ўлка тарихини фақат археологик жиҳатдан эмас, балки этнологик, лингвистик, эпиграфик ва бошқа жабҳаларда ҳам тадқиқ этган. Шунингдек, тўгарак аъзолари яна медиевистик, генеалогик, нумизматик ва бошқа тадқиқотларни ҳам амалга оширган.

1896 йил 3 июлда тўгарак аъзоларнинг йиғилишида кутубхона ва музей коллекцияларини сақлаш учун ҳокимиётдан жой сўраш масаласи кўрилади. 1896 йил 25 октябрда Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан “оқуй”дан 2 та катта хона ажратилиши тўғрисидаги қарор чиқарилади. 1897 йилда музейнинг археология ва нумизматика фондида сақланаётган топилмалар миқдори 1345 та буюмлар ва 2017 та тангаларга етади.[3]

Кейинчалик тўгаракнинг 108 аъзоси бўлиб, булар орасида В.Л.Вяткин, Д.М.Левшин, Н.С.Ликошин, В.Ф.Ошанин ва бошқа машҳур археолог олимлар ҳам бўлган. Тўгаракда илгор кайфиятдаги рус зиёлиларининг таъсири кучли бўлиб, улар Ўрта Осиё тарихи ва қадимги ёдгорликларига ҳурмат билан қараб, илмий текшириш ишларини бошлаб юборганлар. Тўгаракнинг йиғилишларида археологик масалалар муҳокама қилиниб борилган. 1896 йил 15 декабр куни Тошкентдан Туркистон археология ҳаваскорлари тўгарагининг телеграммаси Рус Археологлар жамиятига юборилган. Туркистон ҳаваскор археологлар тўгараги бу вақтда ўз вазифаларини белгилаб олган. [5]

ТАҲТ фаолиятининг биз учун эътиборли томонларидан бири, археологик, нумизматик, истиографик ва этнографик тадқиқотларда Россияликлар олимлар аввало, маҳаллий зиёлилар, коллекционерлар ва тарихга қизиқувчи кўрган инсонлардан йўл-йўриқ, маслаҳат ва қўрсатмалар олишган. Шуни ҳисобга олсак, тадқиқотлар натижаларида Н.И.Веселовский, В.В.Бартольд, В.Л.Вяткин ва бошқа олимлар билан бирга маҳаллий зиёлилар вакилларининг ҳам иштироки салмоқли аҳамиятга эга.

Туркистон халқлари қадимиятини ўрганиш ҳаваскорларидан яна бири самарқандлик хаттот Мулла Қози ибн Мулла Абдурашид ўғли Абу Саид Маҳсумдир. У Самарқанддаги Шайбонийхон мадрасасида мударрис бўлиб фаолият кўрсатган. Бу уламо ҳақида Н.И. Веселовский – “Мирза Абу Саид Маҳсум тимсолида Самарқанднинг энг ўқимишли, мусулмон адабиёти билимдонларидан бири билан танишишга мушарраф бўлдик” - деб эътироф этган.[5]

Уламолар авлодидан бўлган Мирза Абу Саид Маҳсум рус тадқиқотчиларига турли усулдаги араб ёзувларининг ўзлаштирган етук хаттот сифатида ҳам маълум бўлган. У Самарқанддаги архитектура ёдгорликлари пештоқи, деворлари ва эшикларига битилган ўқилиши қийин бўлган ёзувларни ўқиш ва улардан нусха олиш малакасига эга бўлган.

Самарқанд шаҳри ҳақида ёзилган “Самария” асарини XX асрнинг дастлабки йилларида қўлёзма ҳолидан китоб шаклида рус ва форс тилларида чоп этилиши бевосита Мирза Абу Саид Маҳсум номи билан боғлиқдир.

1908-1909 йилларда В.Л. Вяткин раҳбарлигида Улуғбек расадхонаси қолдиқларини топиш мақсадида ўтказилган қидирув-қазув ишлари муваффақиятга эришган. Аслида мазкур топилмада Мирза Абу Саид Маҳсум номи энг камида Вяткин номи билан бир ўринда ёки унинг номидан олдин келиши адолатдан бўлар эди. Чунки, ҳалқ орасида оғиздан оғизга ўтиб келаётган ривоятлар ҳамда вақф ҳужжатлари гувоҳлигига кўра расадхона ўрни Мирза Абу Саид Маҳсумдан бошқа мударрисларга ҳам маълум бўлиши ҳақиқатдан йироқ эмас. Лекин, тепаликни қазиб ўрганиш зурурати бўлмаганлиги учун расадхона қолдиқлари кўмилиб ётган эди. Модомики, қазиша ишлари аниқ ва манзилли бошланган экан, Вяткинга бу маълумотни тақдим этган шахс номи ҳам кашфиётчилар қаторида зикр этилиши лозим эди. Маълумот аниқлигига гувоҳ бўлган Бартольд Ўрта Осиё ва Шарқий Осиёни ўрганиш бўйича Россия қўмитасидан қазиши ишларини бошлаш учун 800 сўм ундириб беради.[9. 5] Афсуски, мустамлакачиликнинг ҳатто, илм-фанда ҳам адолатсиз сиёсатининг натижаси ўлароқ Мирза Абу Саид Маҳсум номи ушбу оламшумул кашфиёт сабабчилари қаторида тилга олинмади. Бу ҳолат советлар даврида ҳам давом этиб, Улуғбек расадхонасида бағишланган М.Е. Массоннинг бутун бошли рисоласида ҳам қайд этилмади.

Б.В. Луниннинг фикрича Мирза Абу Саид Маҳсумнинг археология ва шарқшунослик олдидағи бу ва бошқа хизматлари ўша даврнинг энг нуфузли илмий муассасаларидан бири – Россиянинг Марказий ва Шарқий Осиёни ўрганиш қўмитаси томонидан муносиб баҳолангандек деб ҳисоблайди. Яъни, 1909 йил 11 февраль куни Бартолднинг таклифига биноан қўмита Мирза Абу

Сайд Махсумни Вяткининг фаол ёрдамчиси сифатида 100 рубл миқдорида пул билан мукофотлайди.[6. 71]

Вахоланки, В.А. Шишкун таърифи билан айтганда, “қазув ишлари Ўрта Осиё халқлари маданиятининг дурдона ёдгорликларидан бири, дунё миқёсидаги кашфиёт, рус ва чет эл илмий нашрларида катта мунозара ва муҳокамаларга сабаб бўлган Улуғбек расадхонасининг очилиши билан ниҳояланади” дея таърифланган эди.[5]

1896 йил 22 январдаги Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги (ТАҲТ) йиғилиши баённомаларида кўрсатилишича, Е. Т. Смирнов “Тошкент шахри атрофидаги қадимги обидалар” номли илмий ахборотини тақдим қилган. Шунингдек, ушбу маъруза “Средняя Азия” тўпламида нашр этилган.

Ушбу йиғилишда тўгарак аъзоси X. Б. Гемлон қадимий Бухоро тангаларини Туркистон археология ҳаваскорлари тўгарагига совға қилган. Йиғилиш баённомасида Самарқанд-Андижон темир йўл қурилиши даврида топилган қадими топилмалар тўгаракка топширилиши белгилаб қўйилган.

Яна тўгарак таъсисчи аъзоларидан бири Д.В. Назаров томонидан тўгарак аъзолари учун маҳсус жетон лойиҳаси намойиш қилинган. Йиғилиш қарорида ушбу жетон ҳажмини кичикроқ ва Т.А.К. (Туркестанский Археологический Кружок) ҳарфлар монограммасидан иборат кўринишида лойиҳалаш сўралган. Жетон кейинчалик тайёрланган ва тўгаракнинг ҳар бир аъзосида мавжуд бўлган.[7]

Тўгаракнинг 1896 йил 26 февралдаги йиғилиши баён этилган ҳужжатда Россия империясининг Кошгардаги бош консули Н. Ф. Петровскийнинг Тошкент обидаларини тадқиқ этиш бўйича кўрсатмалари муҳокама этилган. Йиғилиш давомида тўгаракнинг ҳақиқий аъзоси В. А. Калаур томонидан юборилган Ктай қора-киргиз уруғига тегишли бўлган қадимги мўғул ялови муҳокама этилган. Кейинчалик у тадқиқ этиш учун барон Розенга юборилган.[7]

Айнан шу йиғилишда ҳарбий муҳандис Н.Т. Пословскийнинг Амударё ўнг соҳилидаги қадимги Термиз шахри харобаларини ўргангани ҳақидаги маълумоти ҳам мавжуд. М. С. Андреев эса Фарғона вилоятидаги ёдгорликларни маҳаллий аҳоли вакиллари тавсиясига асосланиб ўргангани ҳақидаги маълумотларни тақдим этган.

1896 йил 1 апрелдаги йиғилиш ҳужжатида тўгарак аъзо-котиби Н. С. Лыкошин томонидан ёзилган “Очерки археологических изысканий в Туркестанском крае до учреждения Туркестанского кружка любителей археологии” номли рисоласи тақдим этилган. Шунингдек, тўгарак аъзоси М. А. Терентьев йиғилганларга тошлардаги эпиграфик ёзувларни нам қофоз

ёрдамида кўчириб олиш усулини ўргатган, тўгаракка маҳаллий тиллар хрестоматияси коллекциясини ҳадя этган.[7]

1896 йил 3 июнда бўлиб ўтган ТАҲТ нинг навбатдаги йиғилишида В. В. Бартольднинг Ўрта Осиёда орийлар маданияти ҳақидаги мақоласи тўгарак аъзоларининг кенг мунозараларига сабаб бўлди. Аслида, мақола мазмунан олганда Юнон-Бақтрия давлатидан сўнг Марказий Осиёда шаклланган ва мавжуд бўлган ҳамда араблар кириб келгунича ва ундан кейин давом этган маданий хусусиятлар таҳлилига бағишлиланган.[4. 53] Мақолага орийлик маданиятига алоқадорликни ифодаловчи фикрлар кейин, генерал-губурнатор ёки бошқа амалдор кўрсатмаси билан атайин қўшилган бўлиши мумкин.

ТАҲТнинг 1896 йил 11 декабрда ўtkazilgan bir йиллик ҳисобот йиғилишида тўгаракнинг фахрий раиси генерал-губурнатор барон Б. А. Вревский яна нутқ сўзлайди. Бу гал ҳам барон Ўрта Осиёда орийлик изларини топиш ва илмий тасдиқлаш тўгаракнинг энг муҳим вазифаси эканлигини янада қатъий таъкидловчи фикрлардан иборат нутқ сўзлайди.

Н. П. Остроумов ҳам сўз олиб, тўгарак аъзолари ҳозирда олиб бораётган қазишиша ишлари мусулмонлар тарихига оид охирги маданий қатламда бўлиб, ундан кейин туркийларнинг орийлар таъсирида шаклланган қатлами бошланиши ҳақида гапириб, бу қатламни “интилишларимизнинг асл мақсади”, дея таъкидлайди.

ТАҲТ биографи Б. В. Лунин ўзининг “Туркистонда рус шарқшунослиги ва археологияси тарихидан” (Археология ҳаваскорларининг Туркистон тўгараги (1895-1917 йиллар) асарида тўгаракнинг Туркистонда орийлик изларини аниқлаш фаолияти ҳамда мазкур масала юзасидан аъзоларнинг қарашларини батафсилроқ ёртиб ўтган.

Туркистонда Россия ҳукмронлиги йиллари манбаларини ўрганиб, бир нарсага амин бўлиш мумкин. Россия империясининг асосий мақсади инсоний ва табиий ресурсларга эга чиқиш эди. Россия қўшинларининг Туркистонга кириб келишини легитимлаштириш ҳамда бу жараёнга романтик қиёфа бериш мақсадида ғайриилмий «Орийлик назарияси» тезислари зўр бериб тарғиб қилинар эди. Босқинчиликка илмий ёндашишни истаган Россия зиёлиларининг бир қисми Россия мустамлакачилик сиёсатини жаҳон ҳамжамияти кўз ўнгидаги оқлаб, уни илмий асослашга, цивилизаторлик миссиясини исботлашга уринар эди. Моҳиятан ғайриилмий «Орийлик назарияси»нинг тарғиб этилиши унинг бошланишидан буён зиёлилар онгини манипуляция қилиш воситаси эди, лекин бу кейинроқ аниқланди.[8]

1899 йилнинг 4 ноябрида тўгарак аъзолари ўз коллекцияларини Тошкент халқ музейи археология бўлимига топширдилар. Ашёлар орасида 1893 ёки

1894 йилда Кўқон уездининг Сўх қишлоғи фуқаролари томонидан ерга ишлов бериш чоғида топилган ва Г.С. Батиров томонидан Тошкент музейига тортиқ қилинган икки (қўш) илон кўринишидаги тумор-ҳайкалча ҳам бор. Олимлар ушбу нодир топилма бронза даврига оид бўлиб, санаси милоддан аввалги 2 минг йилликка оид эканини аниқлаганлар.[3]

ТАҲТ нинг XX асрнинг биринчи чорагида Туркистонда фаолият олиб борган аъзоси И.А. Кастанье [10] 1912-1916 йилларда тўплаган археологик коллекциясининг бир қисмини Тошкент халқ музейи археология бўлимига топширади. Коллекция таркибида 500 дан зиёд буюм бор эди. Улар бугунги кунда 23 та коллекцион рўйхат (100, 102–108, 110–119, 121–126) га киритилган. Буюмлар орасида Ахсикент, Тошкент атрофидаги Нўғой-Қўрғон, Шоҳруҳия, Конқа, Ўратепа, Хўжакент, Косон яқинидаги Қалъаи Муғ, Ангрен дарёси бўйидаги Мунчоқтепа, Панжикент яқинидаги Қайнар шаҳарчаси, Термиз шаҳри ва бошқа ерлардан келтирилган сопол ва шиша идишлар, мис идиш-товоқлар, чироқлар, куйдириб ишланган ҳайкалчалар, безакларнинг намуналари бор. [3]

1914 йил баҳор ва ёз ойларида тўғарак аъзоси Л. А. Зимин Бухоро шаҳридан 35 км жануби-ғарбда жойлашган Пойкенд вайроналарида қазиш ишларини олиб боради. Ушбу қазиш ишлари самараси ўлароқ, Тошкент музейига ҳозирги кунда 178-сонли коллекцион рўйхатга киритилган, IX-XII асрларга оид турли хил археологик топилмалар келтирилган. Топилмалар орасида ўйма нақшлар билан безатилган сувдон шаклидаги идиш алоҳида эътиборни тортади.[3]

Тўғарак 1917 йилда тарқалиб кетган.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Марказий Осиёда ҳудудида илмий тадқиқотлар олиб борган Туркистон ҳаваскор археологлар тўғараги мавжуд тарихий обидалар тарихини ўрганиш, уларни сақлаш ҳамда қайта тиклаш, этнографик, лингвистик, нумизматик, археологик, фольклор, манбашунослик ва бошқа тарихий фанлар йўналишларида илмий ишлар олиб борди. Мазкур тўғарак фаолияти Марказий Осиёда тарихчилар ва археологлар илмий-тадқиқот мактабини ривожлантирди. Ушбу тўғарак аъзолари ва уларнинг издошлари кейинчалик изчил тадқиқотлар олиб бориб, оламшумул натижалар қайд этдилар.

ХУЛОСА

Юқоридаги фикрлардан қўйидаги хulosаларга келамиз:

Биринчидан, истилочилар ҳамиша халқнинг бебаҳо маънавий бойлигидан қўрққанлар, зеро бундай муқаддас бойлик миллий ўзликнинг ривожланишига қўмак берувчи, миллатнинг ғурурини уйғотувчи, унинг қўксини қўтарувчи омил эканлигини яхши тушунгандар. Шунинг учун ҳам улар мустамлакачиликнинг илк давлариданоқ босиб олинган халқ миллий маданиятини йўқ қилишни

ўзларининг босқинчилик сиёсатидаги устувор йўналиш деб билдилар. Рус босқинчилиги даврида эса бу нарса айниқса кучли тарзда намоён бўлди;[2. 321]

иккинчидан, тарихдан шу нарса маълумки, мустамлакачилар энг аввало босиб олинган халқ, миллатни маънавий қашшоқликка дучор этиш йўлидан борганлар. Бундай йўл истилочиларнинг тарих синовидан ўтган, синалган, айни пайтда уларнинг машъум сиёсатларини яшириб турувчи йўлдир.[2. 313] Чор Россияси босқинчилари бутун минтаقا бўйлаб, тарихий аҳамиятга эга бўлган барча моддийликларни ташиб кетиш, бу йўл орқали бойлик ортириш ҳамда аҳолини таҳқирлаш, ўргата низо солиш мақсадида “орийлик назарияси”ни тарғиб этишдан фойдаландилар;

учинчидан, мустамлака бўлган Туркистонда тарихий фанларни жадал ривожлантиришдан кўзланган туб сиёсий мақсад Россия империясининг босқинчилик сиёсатини ниқоблаш учун илгари сурилаётган “орийлик назарияси”ни тарғиб қилиш, олимлар, зобитлар, аскарлар ва маҳаллий аҳолини бунга ишонтириш эди;

тўртинчидан, Чор Россияси даврида тадқиқотлар олиб борган олимларнинг кўпчилиги қолоқ халқларга маданият ўргатиш учун келганман, деб ишонишган. Туркистон ҳаваскор археологлар тўгараги атрофида бирлашган олимлар Марказий Осиёда мураккаб тарихий фанларни ривожланишида ҳал қилувчи вазифани бажаришган. Уларнинг билими ва меҳнати ҳисобига минтақамиизда оламшумул кашфиётлар қилинди. Тарихимиздан ҳикоя қилувчи нодир топилмалар, қадимий қўлёзмалар ва асарлар топилди ҳамда ўрганилди. Туркистон ўлкасининг Чор империяси мустамлакаси даврида битилган тарихи қанчалик қайгули ва аламли бўлмасин, бу даврда турли соҳаларда, жумладан, илм-фанда эришилган ютуқларни холис эътироф этишимиз лозим. Шунда XIX аср иккинчи ярми ва XX аср биринчи чорагида Марказий Осиёда ижод қилган тадқиқотчилар меҳнатлари олдида адолатни таъминлаган бўламиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

- Смирнов А.С. Славяне-арии в Восточном Туркестане. археология и идеология Российской империи. <https://cyberleninka.ru/article/n/slavyane-arii-v-vostochnom-turkestane-arheologiya-i-ideologiya-rossiyskoy-imperii>
- Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари (1865—1990 йиллар)/Лойиҳа раҳбари ва масъул мухаррир: Д. А. Алимова/.— Т.: «Шарқ», 2000. 328-б.
- Боймирзаев С. Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланаётган илк археологик коллекциялар тарихидан// Жамият ва инновациялар. 6(2021).
- Лунин Б. В. Туркистонда рус шарқшунослиги ва археологияси тарихидан.

Археология ҳаваскорларининг Туркистон тўгараги (1895-1917 йиллар). ЎзССР ФА. Тошкент.1958. 41-б.

5. Мамаджанов А. Маҳаллий ўлкашунослар ва рус олимлари ҳамкорлигига Туркистон археология ҳаваскорлар тўгараги фаолияти //Ўтмишга назар | Взгляд в прошлое | Look to the past. №9(2020)
6. Лунин Б.В. Историография общественных наук в Узбекистане. ЎзССР ФА. Тарих институти. Тошкент. 1974. 97-б
6. Германов В. А. Туркестанский кружок любителей археологии: примат науки или geopolитики? <https://sklyarevskiy.livejournal.com/1777651.html>
7. Назаров А.Ё. Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги фаолиятида маҳаллий зиёлиларнинг ўрни. <https://inlibrary.uz/index.php/history-culture/article/download/17059/17775?ysclid=ljqslnnjez234893653>
8. Барлос Ш. Сохта илм назарияси (I-бўлим)/ <https://tarjumon.uz/soxta-ilm-nazariyasi-i-bolim/>
9. Массон М.Е. Обсерватория Улугбека Академия наук СССР Узбекистанский филиал институт языка, литературы и истории. Издательство УзФАН Ташкент. 1941. С-5.
10. Дехқонов А. В. “Юртимиз тарихини ўрганган хорижлик олимлар: Ж.А.Кастанье ва унинг илмий фаолияти”//Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. 2022. №3. 198-б.